



Малика Чангле (Чанг Ле) – Бумин Хоконнинг рафикаси ва илк туркийлар империясининг биринчи маликасидир. У, Хитойнинг Гарбий Вей сулоласидан бўлиб, императорининг кизи эди. Бумин Хокон ва Чангле ўртасидаги никоҳ 551-йилда тузилган бўлиб, бу никоҳ оркали иккала давлат ўртасида муҳим сиёсий иттифок шаклланган. Чангле ва Буминнинг никоҳи, Гарбий Вей сулоласи ва Туркийлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлади, чунки Вей сулоласи ва Туркийлар Жужан каби кўшни хавфли кучларга қарши бирлашган эди.

Чангле, малика сифатида Бумин Хоконнинг ёнида туриб, турк империясининг барпо бўлишига муҳим хисса қўшди. Унинг роли нафакат сиёсий иттифок билан чекланмай, балки Туркларнинг кучли империя тузишга интилишида ҳам сезиларли эди. У, Турк Хоконининг хотини сифатида ўзининг сиёсий ва маданий ўрнини топган ва Буминнинг хукмронлигини кучайтиришдаги муҳим фактор бўлган.

Чангленинг яшаган даври, Турк Хоконлигини дастлабки муваффақиятларининг бошланишини кўрсатди. Бу иттифок оркали Ашина оиласи бошчилигидаги Турклар ўзларининг мустақил империясини қуришга муваффақ бўлди.

Темур